

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

7-сон
(923)
2020 йил
24 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

73. «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ–604-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

74. «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5938-сон Фармони
75. «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3818-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ–4602-сон қарори

76. «Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4606-сон қарори
77. «Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги ПҚ-4610-сон қарори

Бешинчи бўлим

78. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи 2020 йил 22 январдаги 6-сон «Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-2*)
79. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 23 январдаги 3-2020-сон, 2-2020-қ/қ, 4-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-2*)
80. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/6-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-4*)
81. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 20 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009-1*)
82. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/8-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 15 февралдан 21 февралгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

73 Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

инвестиция лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

инвестор — фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

махсус иқтисодий зона — тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 февралда эълон қилинган.

мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд;

махсус ҳуқуқий режим — махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция фаолиятини ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун алоҳида шарт-шароитларни белгилайдиган ҳуқуқий нормалар мажмуи;

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестри — махсус иқтисодий зонанинг иштирокчилари ва инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотларнинг ахборот базаси;

махсус иқтисодий зонанинг бош режаси — махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши ёки махсус саноат зонасини бошқарувчи компания томонидан тасдиқланган лойиҳа ҳужжати бўлиб, унинг асосида махсус иқтисодий зона ҳудудини режалаштириш, куриш, реконструкция қилиш ва шаҳар-созлик жиҳатидан ўзлаштиришнинг бошқа турлари амалга оширилади.

**2-боб. Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият
кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш
соҳасида давлат томонидан тартибга солиш**

**4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
нинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш дастурларини тасдиқлайди;

махсус иқтисодий зоналарнинг чегараларини тасдиқлайди;

махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашларини тузади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни, мониторинг ва назорат қилишни амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг уставларини тасдиқлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни, мониторинг ва назорат қилишни амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органларини белгилайди, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади.

**5-модда. Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсати-
шини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш
соҳасидаги ваколатли давлат органи**

Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи:

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳар бир босқичида инвесторларнинг, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг ҳамда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шу жумладан мавжуд бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этишга доир ишларни ташкил этади;

махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг рўёбга чиқарилиш жараёни мониторингини амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналар дирекциясининг ва иштирокчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашдан ўтказди;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини ташкил этади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш, шунингдек махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг ҳамда маъмурий кенгашларининг фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади.

6-модда. Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури

Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш қуйидагиларни ўз ичига олган дастурга мувофиқ амалга оширилади:

ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишни;

муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини таъминлашни;

бозор инфратузилмасини яратишни;

махсус иқтисодий зонанинг фаолият бўйича ва соҳавий ихтисослашувига мувофиқ чет эл инвестицияларини ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари комплексини.

Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастурини молиявий таъминлаш зонанинг ўз ресурслари, хусусий манбалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат инвестиция дастурларини шакллантиришда махсус иқтисодий зоналарнинг муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларининг молиявий таъминоти назарда тутилиши керак.

7-модда. Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини бошқариш

Махсус иқтисодий зоналар бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизда, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилади.

Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколати доирасидаги қарорига кўра махсус иқтисодий зона дирекциясига давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли орган билан келишган ҳолда оператив бошқарувга берилиши мумкин, бундан хусусийлаштирилмайдиган стратегик давлат мулки объектлари мустасно. Давлат мулки объектлари махсус иқтисодий зона дирекциясига махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган бутун давр учун оператив бошқарувга берилади.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектларини махсус иқтисодий зона иштирокчиларига, инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда, реализация қилиш, шу жумладан «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар алоҳида ҳолларда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва доривор ўсимликлар етиштириш мақсадида фармацевтика ҳамда аграр йўналишдаги махсус иқтисодий зоналар учун берилиши мумкин. Бошқача фаолиятга ва тармоқ ихтисослашувига эга бўлган махсус иқтисодий зоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорларига биноан берилиши мумкин.

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудидаги ер участкалари махсус иқтисодий зоналарнинг дирекциялари тасарруфида туради ва махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг фойдаланишига инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун махсус иқтисодий зоналар маъмурий кенгашларининг қарорлари асосида берилиши мумкин, бундан махсус саноат зоналарининг ҳудудлари мустасно.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини бериш тўғрисидаги қарор махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва шу билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, тегишли вилоят ҳокимининг ёхуд Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкасини бериш тўғрисидаги алоҳида қарори қабул қилинади. Мазкур тартиб махсус саноат зоналари ҳудудида ер участкасини беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчисига ер участкасини ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти махсус иқтисодий зоналарнинг тасдиқланган бош режаларига мувофиқ амалга оширилади.

8-модда. Махсус иқтисодий зоналарда давлат-хусусий шериклик

Махсус иқтисодий зоналарда давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Махсус иқтисодий зоналарнинг турлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари**9-модда. Махсус иқтисодий зоналарнинг турлари**

Махсус иқтисодий зоналар қуйидаги турда ташкил этилиши мумкин:
эркин иқтисодий зоналар;
махсус илмий-технологик зоналар;
туристик-рекреацион зоналар;
эркин савдо зоналари;
махсус саноат зоналари.

10-модда. Эркин иқтисодий зона

Эркин иқтисодий зона — янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий ракобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд.

11-модда. Махсус илмий-технологик зона

Махсус илмий-технологик зона — инновация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида илмий ташкилотлар ва илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар (технологик парклар, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) тўпланган ҳудуд.

12-модда. Туристик-рекреацион зона

Туристик-рекреацион зона — унда замонавий туристик инфратузилма объектларини (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларни), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд.

13-модда. Эркин савдо зоналари

Эркин савдо зоналари консигнация омборларини, махсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳудудларни, шунингдек товарларга ишлов

бериш, уларни ўраб-жойлаш, саралаш, сақлаш учун майдончаларни ўз ичига олади.

Эркин савдо зоналари чегара пунктларида, аэропортларда, темир йўл боғламаларида ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа божхона ҳудудларида ташкил этилади.

14-модда. Махсус саноат зонаси

Махсус саноат зонаси — бошқарув, хўжалик ва молиявий фаолиятнинг алоҳида режими жорий этиладиган ҳудуд. Махсус саноат зоналари зарур маъмурий, илмий-технологик, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш учун ер участкаларини ажратиш орқали шакллантириладиган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш зоналарини ўз ичига олади.

Махсус саноат зонасининг фаолият кўрсатиш қоидалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4-боб. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир талаблар

15-модда. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир умумий талаблар

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир умумий талаблар жумласига қуйидагилар киради:

архитектура ва қурилиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлик;

молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги;

махсус иқтисодий зона фаолиятига ва тармоқ ихтисослашувига мувофиқлик;

технологик ускуналар ва технологик жараёнлар кўрсаткичларининг замонавий энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги.

16-модда. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар

Инвестиция буюртманомаси топширилган пайтда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ҳажмлари ички бозорнинг эҳтиёжларини қопламайдиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни назарда тутган бўлиши керак.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этила-

диган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси коди бўйича якуний маҳсулот товар позициясининг дастлабки тўртта белгиларидан бирининг даражасида бошланғич хом ашёга нисбатан ўзгаришини ёки қўшилган қийматга эга маҳсулот ҳажмининг камида ўттиз фоиз даражасида кўпайишини назарда тутиши керак.

Эркин иқтисодий зоналарда рақобат муҳити яратилган, ички бозор тўйинган ёки ишлаб чиқариш ҳажмлари ички бозор эҳтиёжларини қоплайдиган ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Тегишли ваколатли органларнинг Ўзбекистон Республикасида ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажмлари етишмаслиги ва рақобат муҳити даражаси тўғрисидаги хулосалари кейинчалик эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этиш учун эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан мустақил равишда сўраб олинади.

Ушбу талаблар тўлиқ экспортга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари учун татбиқ этилмайди.

17-модда. Махсус илмий-технологик зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар

Махсус илмий-технологик зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

рўйхатдан ўтган патент ҳуқуқларининг мавжудлиги;

илмий-техник янгилик ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўп илмий изланишни талаб қилиши (товарларнинг хусусиятига кўра мутлақо янги ёки илгари ишлаб чиқарилган ўхшаш товарнинг хусусиятларидан жиддий фарқ қилса ёки товарнинг истеъмол хоссаларига кўра мавжуд бўлган шундай товарларга нисбатан яхшиланган бўлса ёки бевосита ўхшашлари мавжуд бўлмаган тақдирда, сифат жиҳатидан янгича истеъмол (функционал) хусусиятларига эга бўлса, шу жумладан товарнинг рақобатбардошлигини оширадиган ёхуд товарни қўллашнинг бундай товардан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш имконини берадиган янги усули аниқланган бўлса).

Тегишли ваколатли органларнинг рўйхатдан ўтган патент ҳуқуқлари мавжудлиги ва илмий-техник янгиликнинг мавжудлиги ҳамда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги хулосалари кейинчалик эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этиш учун эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан мустақил равишда сўраб олинади.

18-модда. Туристик-рекреацион зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар

Туристик-рекреацион зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф

этиладиган инвестиция лойиҳалари туристик индустрия объектларининг барпо этилишини, туристик хизматларни ташкил этиш чоғида туристлар хавфсизлиги ва соғлиғининг муҳофаза қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини, шу жумладан туристик индустрия объектларини видеокузатув, фавқулдда вазиятлар юзага келган тақдирда огоҳлантириш (хабар қилиш) ва зарур ёрдам кўрсатиш тизимлари билан жиҳозлаш орқали таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутиши керак.

19-модда. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида тақиқланган фаолият

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолиятнинг қуйидаги турларини амалга ошириш тақиқланади:

экологик стандартларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш стандартларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқаришни;

курол ва ўқ-дорилар ишлаб чиқаришни, курол ва ўқ-дорилар савдосини; ядровий материаллар ва радиоактив моддалар ишлаб чиқаришни, ядровий материаллар ва радиоактив моддалар савдосини;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни;

хом терига ишлов беришни, ҳайвонларни ҳайдаб боқишни ёки сўйишни;

цемент, бетон, цемент клинкери, гишт, темир-бетон плиталар ишлаб чиқаришни, кўмир, оҳак ва гипсдан маҳсулот ишлаб чиқаришни;

барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш, парчалаш, ёқиш, газлаштириш, уларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш, уларни якуний ва (ёки) вақтинча сақлаш ва (ёки) ер остига кўмиб ташлашни;

нефтни қайта ишлаш заводларини, атом электр станцияларини, ядровий қурилмаларни, радиациявий манбаларни, қайта ишланган ядровий ёқилғи, радиоактив моддалар ва чиқиндилар, шунингдек бошқа радиоактив чиқиндиларни сақлаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган пунктлар ҳамда қурилмаларни жойлаштиришни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолиятнинг айрим турларига нисбатан тақиқ ва чекловлар жорий этилиши мумкин.

5-боб. Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш тартиби

20-модда. Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш

Махсус иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ўттиз йил муддатга ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамаси махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатишини ва уни ривожлантиришни ташкил этиш масаласи юзасидан қарор қабул қилади.

Махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни муддатидан олдин тугатиш тўғрисида таклиф киритишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси киритилган таклифни у келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва маъқулланган тақдирда таклифни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

21-модда. Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ёки уни тугатиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси, унда махсус иқтисодий зонанинг номи, у қанча муддатга ташкил этилаётганлиги, махсус иқтисодий зонани ташкил этиш мақсади ва унинг тури, унинг махсус ҳуқуқий режими хусусиятлари, фаолиятига оид ва тармоқ ихтисослашуви, махсус иқтисодий зонанинг умумий майдони ҳамда чегараларининг тавсифи, унинг ташкил этилишини ва ривожлантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрсатилади;

аниқ тадбирлар, бу тадбирларни амалга ошириш учун масъул шахслар ва ташкилотлар, шунингдек махсус иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастурининг лойиҳаси;

махсус иқтисодий зонанинг мўлжалланган чегаралари чизиб кўрсатилган ҳолда ер-кадастр режасининг кўчирма нусхаси;

махсус иқтисодий зонанинг мўлжалланаётган чегараларида жойлашган ерларнинг таркиби, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачиларининг ва мулкдорларининг (улар мавжуд бўлган тақдирда) рўйхати ҳамда уларнинг махсус иқтисодий зонани ташкил этиш учун ер участкаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўтказиш учун ёзма розилиги;

тегишли ҳудуддаги ижтимоий, экологик ва иқтисодий шарт-шароитларни, моддий ва меҳнат ресурслари, коммуникациялар билан таъминланганликни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган махсус иқтисодий зонани, унинг турини ташкил этиш зарурлиги ҳамда мумкинлигини асословчи биз-

нес-режа, шунингдек махсус иқтисодий зона махсус ҳуқуқий режимининг таклиф этилаётган ўзига хос хусусиятларининг молиявий-иқтисодий асоси; махсус иқтисодий зона дирекцияси уставининг лойиҳаси (агар дирекция давлат муассасаси шаклида ташкил этилаётган бўлса).

Махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори лойиҳаси;

махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш зарурати ва имкониятининг асослари.

Махсус иқтисодий зонанинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонанинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори лойиҳаси;

махсус иқтисодий зона бош режасининг лойиҳаси ва махсус иқтисодий зонанинг чегараларини мўлжалланаётган ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда чегаралари чизиб кўрсатилган ер-кадастр режасининг кўчирма нусхаси;

чегараларига ўзгартириш киритиладиган махсус иқтисодий зонага қўшилиши мўлжалланаётган ҳудудларда жойлашган ерларнинг таркиби, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачиларининг ва мулкдорларининг (улар мавжуд бўлган тақдирда) рўйхати ҳамда уларнинг ер участкаларини махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига, махсус саноат зонаси бўлган тақдирда эса, ер участкаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўтказиш учун ёзма розилиги;

махсус иқтисодий зонанинг чегараларига қўшиб олиш учун таклиф қилинаётган ҳудудларда амалда фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг рўйхати;

махсус иқтисодий зонанинг чегараларидан чиқариб ташлаш учун таклиф этилаётган ҳудудларда амалда фаолият кўрсатаётган махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг рўйхати (улар мавжуд бўлган тақдирда);

махсус иқтисодий зонанинг чегараларини ўзгартириш зарурати ва имкониятининг асослари.

Махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонани тугатишни таъминлаш, шунингдек зарур бўлган ҳолларда махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиларига кафолатлар ва (ёки) компенсацияларни тақдим этиш бўйича комплекс ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус иқтисодий зонани тугатиш комиссиясининг таркиби ва ваколатларини, шунингдек махсус иқтисодий зонани тугатиш тартибини белгиловчи қарори лойиҳаси;

ушбу Қонун 22-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва олтинчи хат-

бошиларида назарда тутилган асослар бўйича махсус иқтисодий зона муддатидан олдин тугатилган тақдирда, махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг амалга оширилаётган ўз инвестиция лойиҳалари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатишнинг сабаблари ҳамда тегишли маъмурий-худудий бирликлар ва умуман республика учун, махсус иқтисодий зона иштирокчилари учун эҳтимолдаги оқибатлари кўрсатилган ҳолда тегишли ҳудуддаги ижтимоий, экологик, иқтисодий ва бошқа шароитларни, шунингдек тугатилаётган махсус иқтисодий зона фаолиятининг ва фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичларини батафсил таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатишнинг зарурати ҳамда имкониятининг техник-иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий асослари.

22-модда. Махсус иқтисодий зонани тугатиш учун асослар

Махсус иқтисодий зона қайси муддатга тузилган бўлса, ўша муддат тамом бўлгач, тугатилган ҳисобланади.

Махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади, агар:

буни одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат хавфсизлигини ва мамлакат мудофаасини таъминлаш зарурати тақозо этса;

махсус иқтисодий зона ташкил этилган кундан эътиборан бир йил мобайнида биронта ҳам юридик шахс мазкур махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса ва (ёки) махсус иқтисодий зона иштирокчиси томонидан иш ўринлари яратилмаган бўлса;

махсус иқтисодий зона ташкил этилган кундан эътиборан олти ой мобайнида мазкур махсус иқтисодий зона иштирокчилари томонидан инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича фаолият амалга оширилмаган бўлса;

махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомини йўқотганлиги ва мазкур иқтисодий зонанинг охириги иштирокчиси томонидан бундай мақом йўқотилган кундан эътиборан бир йил мобайнида унинг ҳудудида унинг иштирокчиси сифатида бирорта ҳам юридик шахс рўйхатдан ўтказилмаганлиги боис махсус иқтисодий зонада унинг иштирокчилари қолмаган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарорида белгиланган махсус иқтисодий зонани ташкил этишнинг мақсадларига эришиш бошқа сабабларга кўра имконсиз бўлиб қолган бўлса.

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича махсус иқтисодий зона муддатидан олдин тугатилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра махсус иқтисодий зона иштирокчиларига улар томонидан кўрилган зарар ёки бой берилган наф учун кафолатлар ва (ёки) компенсация берилади ёхуд аввал амалда бўлган тартибга мувофиқ тақдим этилган имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолади.

Махсус иқтисодий зонани тугатиш билан боғлиқ мулкӣ ва бошқа масалаларни ҳал қилиш, махсус иқтисодий зона дирекцияси ва иштирокчилари, бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тугатиш комиссиясини тузади, унинг таркиби ва ваколатларини белгилайди, шунингдек махсус иқтисодий зонани у муддатидан олдин тугатилган тақдирда тугатиш тартибини тасдиқлайди.

6-боб. Махсус иқтисодий зонани бошқариш

23-модда. Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари орасидан тузиладиган коллегиял орган бўлиб, унга мақоми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, тегишли вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокими бўлган раис раҳбарлик қилади.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши:

махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши, махсус ҳуқуқий режимга риоя этиш ва махсус иқтисодий зона иштирокчиларига кўмаклашиш билан боғлиқ масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

махсус иқтисодий зона ҳудудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини саралаб олишни амалга оширади;

махсус иқтисодий зона иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

махсус иқтисодий зонанинг муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаси қурилиши бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ташкил этади;

махсус иқтисодий зона дирекциясининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари махсус иқтисодий зона дирекцияси ва иштирокчилари учун мажбурийдир.

24-модда. Махсус иқтисодий зона дирекцияси

Махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши ва бошқарилишини таъминлаш учун ташкил этиладиган давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахсдир.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси:

махсус иқтисодий зона ҳудудида махсус ҳуқуқий режимнинг амал қилишини таъминлайди;

салоҳиятли инвесторлар ва махсус иқтисодий зона иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорликни, шу жумладан инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш ва танлаб олиш учун қабул қилишни, муҳандислик-коммуни-

кация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур рухсатномалар беришни «ягона дарча» принципи асосида ташкил этади;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилади, шунингдек махсус иқтисодий зона иштирокчилари томонидан инвестиция битимига киритилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлайди;

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрини юритади;

махсус иқтисодий зона ҳудудида экологик назорат, шунингдек маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни ташкиллаштиради;

махсус иқтисодий зона иштирокчилари билан шартномалар асосида маркетинг хизматлари, шунингдек маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилиш бўйича хизматлар кўрсатади;

махсус иқтисодий зонага инвесторларни жалб этиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

инвесторларни, махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиларини ахборот билан таъминлайди, шу жумладан уларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан учрашувларини ташкил этади;

махсус иқтисодий зона ҳудудидаги ер участкаларини, шунингдек бинолар ва иншоотларни махсус иқтисодий зона иштирокчиларига эғалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беради;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида иштирок этади.

Махсус иқтисодий зона дирекциясига махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади. Мазкур тартиб махсус саноат зоналарига нисбатан татбиқ этилмайди.

Дирекция махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашishга ҳақли эмас.

25-модда. Махсус саноат зонасини бошқариш

Махсус саноат зонасини бошқариш махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг ва дирекциясининг ушбу Қонунда назарда тутилган ваколатлари берилган махсус саноат зонасини бошқарувчи компания томонидан амалга оширилади.

Махсус саноат зонасини бошқарувчи компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиладиган, шу жумладан чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиладиган юридик шахсдир.

Махсус саноат зонасини бошқаришнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш ва махсус саноат зонаси

иштирокчиларига ер участкаларини бериш, шу жумладан ижара ҳуқуқлари асосида бериш масалалари юзасидан мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

объектларни қуришда халқаро стандартлар ва талабларни қўллаш;
муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва ижтимоий инфратузилмани мустақил равишда шакллантириш;

кўрсатилган коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ва етказиб берилган энергия ресурслари учун ҳисобга олишни ва ўзаро ҳисоб-китобларни махсус саноат зонаси иштирокчилари томонидан махсус саноат зонасини бошқарувчи компания билан тузилган ягона шартнома асосида амалга ошириш;

«ягона дарча» принципи бўйича лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни, шу жумладан махсус саноат зонасининг бош режасига мувофиқ бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, ишга тушириш, улардан фойдаланиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш учун беришни ташкиллаштириш.

Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи махсус саноат зонасини бошқарувчи компания фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади ҳамда унинг бутун фаолияти ва операцияларини ўрганиш, шунингдек тегишли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Махсус саноат зонасини бошқарувчи компаниянинг молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ бўлган молиявий ахборот ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим. Аудиторлик ҳисоботлари ва аудиторлик хулосалари мажбурий тартибда махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органига тақдим этилади.

7-боб. Инвестиция буюртманомасини бериш ва кўриб чиқиш тартиби

26-модда. Инвестиция буюртманомасини бериш тартиби

Инвестиция буюртманомаси инвестор томонидан махсус иқтисодий зонанинг дирекциясига берилади. Инвестиция буюртманомасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Инвестиция буюртманомасига қуйидагилар илова қилинади:

юрidik шахс уставининг ва юрidik шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхалари (инвестор — юрidik шахс учун);

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси (инвестор — жисмоний шахс учун);

инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ёки техник-иқтисодий асоси;
инвестиция битимининг лойиҳаси.

Инвестиция буюртманомасида юрidik шахсга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади, чет эл юрidik шахси учун эса

тегишли чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи идентификация рақамининг ўхшаши кўрсатилади.

Чет эл юридик шахслари ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган, чет эл юридик шахси чет давлатнинг қонун ҳужжатларига биноан юридик шахс эканлигини тасдиқловчи легаллаштирилган ҳужжатларнинг давлат ва инглиз тилига қилинган таржимасини нота-риал тартибда тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

Чет эл юридик шахслари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни легаллаштириш талаб қилинмайди, агар:

ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса;

ҳужжатлар шартлашаётган тарафлардан бирининг ҳудудида тайёрланганлиги ёхуд муассаса ёки махсус ваколат берилган шахс томонидан уларнинг ваколоти доирасида ва белгиланган шаклда тасдиқланганлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган бўлса, бу ҳужжатлар бошқа шартлашувчи тарафларнинг ҳудудларида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади.

27-модда. Инвестиция буюртманомасини махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан кўриб чиқиш учун тайёрлаш

Махсус иқтисодий зона дирекциясига келиб тушган инвестиция буюртманомаси ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилади.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни икки иш куни ичида кўриб чиқади. Ҳужжатлар махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда қайтариб юборилади. Қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилганидан кейин инвестиция буюртманомаси махсус иқтисодий зона дирекциясига такроран тақдим этилиши мумкин.

Камчиликлар бўлмаган тақдирда, инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан экспертиза ўтказиш бўйича ваколатли давлат органига (бундан буён матнда эксперт муассасаси деб юритилади) экспертиза учун юборилади.

Экспертизани ўтказиш муддати йигирма иш кунини ташкил этади. Экспертиза жараёнида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, шунингдек унинг ушбу Қонуннинг 15 — 19-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги аниқланади.

Экспертизани ўтказиш якунларига кўра инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар эксперт муассасаси томонидан қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда махсус иқтисодий зона дирекциясига маромига етказиш учун қайтарилиши мумкин. Инвестор қайтариш учун

асос бўлиб хизмат қилган сабабларни бартараф этганидан кейин маромига етказилган ҳужжатлар махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан такрорий экспертиза ўтказиш учун юборилади.

Инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни такрорий экспертизадан ўтказиш муддати ўн иш кунини ташкил этади. Бунда илгари экспертизадан ўтказилган ҳужжатларга нисбатан янги мулоҳазалар тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

Инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар эксперт муассасаси хулосаси билан бирга махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига икки иш куни ичида кўриб чиқиш учун юборилади.

Ушбу модданинг амал қилиши махсус саноат зоналарининг ҳудудларида рўёбга чиқариш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига нисбатан татбиқ этилмайди. Бунда инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш махсус саноат зонасини бошқарувчи компания томонидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

28-модда. Инвестиция буюртманомасини махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан кўриб чиқиш

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни фақат эксперт муассасасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқишга киришади.

Инвестиция буюртманомаси махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан махсус иқтисодий зона дирекцияси уни киритган кундан эътиборан беш иш куни ичида кўриб чиқилади.

Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш жараёнида махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвесторга инвестиция лойиҳасига ўзгартиришлар (қўшимчалар) киритишни таклиф қилиши мумкин. Бунда махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг таклифлари унинг қарорида акс эттирилади. Инвестор таклиф этилаётган ўзгартиришларга (қўшимчаларга) рози бўлмаган тақдирда махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан инвестор иштирокида инвестиция буюртманомасини такрорий кўриб чиқиш амалга оширилади.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳақида ёки уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Қарор махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилики овози билан қабул қилинади.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённома махсус иқтисодий зона дирекциясининг директори, махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг аъзолари томо-

нидан имзоланади ҳамда махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг раиси томонидан тасдиқланади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини махсус иқтисодий зона иштирокчисига бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда махсус иқтисодий зона маъмурий кенгаши қарори бўйича баённома тасдиқланган вақтдан бошлаб бир кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, тегишли вилоят ҳокими ёхуд Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ер участкасини бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Баённомадан кўчирма ва ер участкасини бериш тўғрисидаги қарор нусхаси (агар бундай қарор мавжуд бўлса) инвестиция сўровномасини берган инвесторга баённома тасдиқланган кундан эътиборан бир иш куни ичида махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан юборилади.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг махсус иқтисодий зона ҳудудига инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги қарори қуйидагилар учун асос бўлади:

инвестиция битимини тузиш;

ер участкасини ёки бўш турган (фойдаланилмаётган) бинони умумий майдони ва унинг жойлашган ерини белгиланган ҳолда ажратиш.

Тақдим этилган ҳужжатларда ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланган тақдирда, махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвестиция буюртманомасини кўриб чиқишни тугатади, инвестиция буюртманомаси эса қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда инвесторга қайтарилиши лозим.

Инвестор томонидан инвестиция буюртманомасини тақдим этиш, унинг махсус иқтисодий зона дирекцияси ва маъмурий кенгаши томонидан кўриб чиқилиши электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши аъзолари ва дирекцияси директори ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариши муносабати билан инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларга нисбатан махфийлик сақланишига риоя этиши шарт.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қарори ва (ёки) эксперт муассасасининг ҳулосаси устидан инвестиция буюртманомасини берган инвестор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

8-боб. Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси

29-модда. Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомини олиш

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида инвестор инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида маъмурий кенгаш қарорини олганидан кейин беш иш куни ичида махсус иқтисодий зона жойлашган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ташкил этаётган тад-

биркорлик субъектини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ёки инвестор томонидан илгари ташкил этилган тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этади.

Юридик шахс инвестиция битими имзоланганидан ва Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилганидан кейин махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритиш учун инвестор томонидан ташкил этилган юридик шахс махсус иқтисодий зона дирекциясига юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини ва Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги тўловни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан эътиборан икки иш куни ичида юридик шахсни Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шаклдаги махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси гувоҳномасини беради.

Махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси юридик шахс Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилганидан кейин бир иш куни ичида бу ҳақда тегишли солиқ, божхона ва статистика органларини хабардор қилади.

30-модда. Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси:

махсус иқтисодий зона иштирокчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий ҳимоя кафолатлари, имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланишга;

ер участкалари, бинолар, иншоотларни фойдаланиш учун олишга, шу жумладан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш учун олишга ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун инфратузилма объектларини қуришга;

инвестиция битими ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг тармоқ жадвалларига мувофиқ муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан уни ўз вақтида таъминланишини махсус иқтисодий зона дирекциясидан талаб қилишга;

махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиларига кўрсатиладиган, шу жумладан шартнома асосида кўрсатиладиган барча турдаги хизмат турларидан тенг шартларда фойдаланишга;

ўз маблағлари ҳисобидан махсус иқтисодий зонанинг бош режасига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган инфратузилма объектларини қуришга;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси:

қонун ҳужжатларида ва инвестиция битимида назарда тутилган мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажариши;

қонун ҳужжатлари талабларини бажариши;

инвестиция битими ва бизнес-режалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни махсус иқтисодий зона дирекциясига тақдим этиши шарт.

Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битимида назарда тутилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини инвестиция битими бўйича барча мажбуриятлар бажарилгунига қадар бошқа юридик шахсга ўтказишига йўл қўйилмайди.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси ўз фаолиятини ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек инвестиция битимига мувофиқ амалга оширади.

31-модда. Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши

Юридик шахс қуйидаги ҳолларда махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотади:

махсус иқтисодий зона тугатилганда;

юридик шахс тугатилганда (фаолияти тугатилганда);

юридик шахснинг жойлашган жойи ўзгариб, янги жойлашган жойи махсус иқтисодий зона ҳудудидан ташқарида бўлган тақдирда;

махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганда;

махсус иқтисодий зона иштирокчисининг аризасига биноан;

махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси қайта ташкил этилган тақдирда, бундан солиқ ва божхона тўловлари бўйича бир хил имтиёзларга эга бўлган махсус иқтисодий зона иштирокчилари ўртасида амалга оширилган қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш мустасно.

Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши тўғрисидаги қарор махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси тақдимида биноан қабул қилинади.

Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотганлиги тўғрисидаги қарор устидан махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қарорига мувофиқ махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси билан инвестиция битимини бекор қилади ва уни Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестридан чиқаради.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг ишти-

рокчиси Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестридан чиқарилганидан кейин бир иш куни ичида бу ҳақда махсус иқтисодий зона иштирокчисини, махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашини, солиқ, божхона органларини ва статистика органларини, шунингдек махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органини ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотганлик санаси ва асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда (шу жумладан электрон почта орқали) хабардор қилади.

Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар бекор қилинишига олиб келади.

32-модда. Инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаган тақдирда юридик шахсни махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомидан маҳрум этиш тартиби

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаган тақдирда, инвестор томонидан махсус иқтисодий зона ҳудудида ташкил этилган юридик шахс махсус иқтисодий зона дирекциясининг ташаббусига кўра махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги факти (бундан енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келган ҳоллар, шунингдек махсус иқтисодий зона дирекциясининг айби билан юзага келган ҳоллар мустасно) аниқланган тақдирда, қоидабузарликлар ва инвестиция битимида белгиланган бажарилмаган мажбуриятлар батафсил баён этилган тегишли далолатнома тузилади, ушбу далолатнома махсус иқтисодий зона дирекциясининг вакиллари ва иштирокчиси томонидан имзоланади. Далолатномада махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битими бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаши керак бўлган муддат ҳам кўрсатилади. Бу муддат тўқсон кундан ошмаслиги керак.

Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тасдиқланган тақдирда, махсус иқтисодий зона дирекцияси ва иштирокчиси инвестиция мажбуриятларининг оқилона муддатларда бажарилишини таъминловчи жадвал тузади, бунда форс-мажор ҳолатлари бошланиши билан боғлиқ бўлган кечикишнинг аниқ муддатлари эътиборга олинади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддат ичида бажармаган тақдирда, дирекция махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши ҳамда махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи билан ёзма равишда келишиб олинганидан кейин мах-

сус иқтисодий зонанинг иштирокчисини инвестиция битимининг бажарилмаганлиги муносабати билан уни бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда (шу жумладан электрон почта орқали) хабардор қилади.

Агар ўн кун ўтгунига қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битимининг бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилмаган бўлса, инвестиция битими бир томонлама тартибда бекор қилинган ҳисобланади.

Агар махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битимининг бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилган бўлса, унда инвестиция битими бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ келгусидаги низолар суд тартибида ҳал қилиниши лозим.

Юридик шахснинг инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомини йўқотганлиги солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилинишига, тўланмаган солиқ ва божхона тўловларининг тўлиқ ҳажмда ундирилишига ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун юридик шахсга берилган ер участкалари, бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинишига сабаб бўлади.

33-модда. Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг аризасига асосан махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини бекор қилиш тартиби

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини бекор қилиш тўғрисидаги ариза махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси томонидан махсус иқтисодий зона дирекциясига берилади. Махсус иқтисодий зона дирекцияси келиб тушган аризани икки иш кун ичида махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини бекор қилиш тўғрисидаги ариза махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан ўн кун ичида, махсус иқтисодий зона дирекциясига моддий ёки молиявий зарар етказиш белгилари бўлган ҳолларда эса ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қароридан махсус иқтисодий зона иштирокчиси томонидан етказилган моддий ёки молиявий зарарнинг ўрнини қоплаш, шу жумладан махсус иқтисодий зона дирекциясининг судга мурожаат қилиши орқали қоплаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши мумкин.

Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши махсус иқтисодий зона дирекциясига моддий ёки молиявий зарар етказмаган тақдирда унинг махсус иқтисодий зона ҳудудидаги фаолияти тугатилишига, шунингдек юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулк ҳуқуқларининг тугатилишига олиб келмайди. Бунда ушбу юридик шахс махсус иқтисодий зона иштирокчилари учун берилган махсус ҳуқуқий режимдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

Ушбу тартиб тадбиркорлик субъектини махсус саноат зоналарининг иштирокчиси мақомидан маҳрум қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

9-боб. Инвестиция битими**34-модда. Инвестиция битимини тузиш**

Махсус иқтисодий зона дирекцияси инвестиция лойиҳасида баён этилган шартлар, муддатлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ инвестиция битимини тузади.

Инвестиция битими инвестор томонидан махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг баённомаси (ундан кўчирма) олинганидан кейин инвестор ва махсус иқтисодий зона дирекцияси директори томонидан уч иш куни ичида имзоланиши керак.

Инвестиция битими инвестор томонидан ташкил этилган юридик шахс махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олган санадан эътиборан кучга киради.

35-модда. Инвестиция битимининг амал қилиш муддатини узайтириш

Инвестиция битими махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зона иштирокчисининг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Ариза махсус иқтисодий зона иштирокчиси томонидан инвестиция битимининг амал қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин берилади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битимининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризасига махсус иқтисодий зонада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳасининг уни амалга оширишни давом эттириш зарурлиги ҳақидаги асослантиришни ўз ичига олган бизнес-режаси илова қилинади.

36-модда. Инвестиция битимининг амал қилишини тугатиш

Инвестиция битимининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади: инвестиция битимининг амал қилиш муддати тугаганда;

юридик шахс махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда;

махсус иқтисодий зона муддатидан олдин тугатилган тақдирда;

қонун ҳужжатларида ёки инвестиция битимида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

10-боб. Махсус иқтисодий зоналарнинг махсус ҳуқуқий режими**37-модда. Махсус ҳуқуқий режимнинг ўзига хос хусусиятлари**

Махсус иқтисодий зоналарда махсус божхона, солиқ режими, шунингдек фуқароларнинг кириш, чиқиш ва бўлиш режими, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятини амалга ошириш шартлари ҳамда инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва махсус иқтисодий зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган бошқа режим ўрнатилиши мумкин.

Махсус ҳуқуқий режим қонунлар ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ўрнатилади.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига берилган имтиёзлар фақат махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятга нисбатан қўлланилади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган чет эл инвесторлари ўзига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланиши мумкин.

38-модда. Махсус божхона режими

Махсус божхона режимида қўйидагилар назарда тутилади:

божхона тўловлари ставкаларини вақтинча бекор қилиш ёки пасайтириш;

экспортга ёки импортга нисбатан нотариф чекловларни бекор қилиш, енгиллаштириш.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан экспорт қилинаётган ёки импорт қилинаётган товарларни божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган ҳолдаги божхона расмийлаштируви қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Махсус иқтисодий зона ҳудудида махсус божхона режимини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Махсус божхона режими товарларнинг махсус иқтисодий зоналар ҳудуди орқали транзит қилинишига нисбатан татбиқ этилмайди.

Махсус божхона режими рақобатсиз муҳитни шакллантиришга олиб келмаслиги керак.

39-модда. Солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари солиқ бўйича имтиёزلардан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига назарда тутилган тартибда фойдаланади.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари қўйидагиларни тўлашдан озод этилади:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қурилиш даврида белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (бундан қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно);

тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда божхона тўловларини (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно).

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-

га олиб кирилганда божхона тўловлари (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) тўланмайди.

Махсус иқтисодий зона иштирокчилари товарларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача муддатга кечиктириб тўлаши мумкин.

Ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрни махсус иқтисодий зона иштирокчисига етти кун давомида соддалаштирилган тартибда қоплаб берилади.

Тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси махсус иқтисодий зона иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда қоплаб берилади.

40-модда. Махсус иқтисодий зоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш

Махсус иқтисодий зоналардаги меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, жамоа шартномалари (келишувлари) ва (ёки) якка тартибдаги меҳнат шартномалари (контрактлари) билан тартибга солинади.

Жамоа шартномалари (келишувлари) ва якка тартибдаги меҳнат шартномалари (контрактлари) махсус иқтисодий зоналар ҳудудларида ташкил этиладиган юридик шахслар ходимларининг аҳволини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, шунингдек Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси қўшилган конвенцияларида назарда тутилган шартларга нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас.

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил этиладиган юридик шахсларнинг ходимлари штатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ходимлар умумий сонининг камида тўқсон фоизини ташкил этиши керак.

41-модда. Махсус иқтисодий зона дирекциясининг бюджети

Махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан ҳар йили даромадлар ва харажатлар сметаси шаклида тасдиқладиган мустақил бюджетга эга бўлади.

Махсус иқтисодий зона дирекциясининг даромадлари Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритганлик учун олинадиган тўловлардан, махсус иқтисодий зона дирекциясининг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ер участкаларини фойдаланишга беришдан, бинолар ҳамда иншоотларни ижарага топширишдан, шартномалар бўйича хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлардан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Махсус иқтисодий зона шаклланиш босқичида ўз харажатларини ўзи қоплайдиган бўлгунига қадар, лекин уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга махсус иқтисодий зона дирекцияси таъминоти учун республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағлар, ссудалар, шунингдек Ўзбекистон Республи-

касининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маблағлар жалб қилиниши мумкин.

11-боб. Якунловчи қоидалар

42-модда. Махсус иқтисодий зона иштирокчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан кафолатланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгарганда махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари имтиёзлар амал қилиш муддати давомида, лекин ўн йилдан ошмаган муддат ичида солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўлаш бўйича улар Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган санада амалда бўлган нормалар ва қоидаларни қўллашга ҳақлидир, бундан акциз тўланадиган товарларга солиқ солинишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг нормалари ва қоидалари мустасно.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари экспорт қилинадиган ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзига қулай бўлган шарт-шароитлардан, тўлов шаклларида ва ҳисоб-китоблардан фойдаланишга ҳақли.

Махсус иқтисодий зоналарда махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча кафолатлар ва имтиёзларга риоя этилиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар берилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахслар томонидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг фаолиятига асоссиз аралашганлик натижасида уларга етказилган зарарларнинг, шунингдек бой берилган фойда ва маънавий зиённинг ўрни суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши лозим.

43-модда. Низоларни ҳал этиш

Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

44-модда. Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

45-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги 220–I-сонли Қонуни (Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 58-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 482-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 67-модда) **XV бўлими**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-11-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) **3-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **11-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-224-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 338-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **10-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **20-моддаси**.

46-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

47-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

48-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида мазкур Қонун кучга киргунга қадар эркин иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан рўйхатга олинган ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференциялар улар тақдим этилган муддат ўтгунига қадар сақлаб қолинади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 февраль,
ЎРҚ-604-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

74 Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўтган қисқа даврда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳаллани халқ билан давлат ўртасида ишончли «кўприк» бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функциялар юклатилаётганлиги, уларнинг бошқа қўйи идоралар билан ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилмаганлиги, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар самарали натижа бермаётганлиги жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Алоҳида таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, шунингдек, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратади, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга кўмаклашади.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўми-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 февралда эълон қилинган.

таси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва маҳаллалар фаолларининг ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи янги тизимни жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш;

хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш;

маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларининг (кейинги ўринларда — профилактика инспектори) роли ва мавқеини янада ошириш, мустақиллиги ҳамда ваколатларининг амалий самарадорлигини таъминлаш;

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш;

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила — соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож

бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини юксалтириш;

маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий қўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш;

фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда «Маҳалла» ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот маркази негизида «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин ва Вазирлик тузилмасига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Қуйидагиларнинг:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раҳбар органларининг ушбу ташкилотларни тугатиш ҳақидаги;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги «Нуроний» жамғармасининг (кейинги ўринларда — «Нуроний» жамғармаси) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) бўлимларини тугатиш ҳақидаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уларнинг онгига сингдириш ҳамда юсак маънавиятли ва садоқатли қилиб вояга етишларида кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Вазирлик «Нуроний» жамғармаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан

биргаликда бир ой муддатда амалга оширадиган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси маҳалла билан ҳамкорлик ва оила масалалари вазирининг (кейинги ўринларда — вазир), Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла билан ҳамкорлик ва оила масалалари вазирининг ҳамда вилоятлар маҳалла билан ҳамкорлик ва оила масалалари бошқармалари бошлиқларининг тегишли ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, унинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги минтакавий бўлинмалари раислари ҳисобланади.

8. Қўйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасига — вазир билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — маҳалла билан ҳамкорлик ва оила масалалари вазири лавозими;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларига — вазир билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ҳоким ўринбосарлари — маҳалла билан ҳамкорлик ва оила масалалари бошқармалари бошлиқлари лавозими;

туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларига — вазир билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ҳоким ўринбосари — маҳалла билан ҳамкорлик ва оила масалалари бўлими бошлиғи лавозими киритилсин.

9. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасидаги — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасидаги — Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларидаги — ҳоким ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими;

туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларидаги — ҳоким ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими тугатилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари ҳар чоракда тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот беради;

вазир ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида Вазирлик фаолияти юзасидан ҳамда соҳадаги тизимли муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида ахборот беради;

Вазирлик хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга масъул ҳисобланади.

11. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди (кейинги ўринларда — «Маҳалла» фонди), Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда «Нуроний» жамғармасининг:

«Маҳалла» фонди маблағлари ҳисобидан «Нуроний» жамғармаси фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар (ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлашдан ташқари) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига бир йилда бир марта тўланадиган лавозим маоши миқдоридagi моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарларини — Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари раислари этиб белгилаш;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг тегишли ўринбосарларини — Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари раислари этиб белгилаш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчилигининг:

фуқаролар йиғини раиси беш йил муддатга сайланиши ҳақидаги;

маҳалла институтининг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 22 март санасини «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такрорловчи, ортиқча ва хос бўлмаган вазифа ва функциялар 1а ва 1б-иловаларга* мувофиқ рўйхатлар бўйича қисқартирилсин.

Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда мазкур банд ижроси юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига асосий фаолият йўналишларидан ташқари функцияларни фақатгина давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

14. Вазирлик фуқаролар йиғинлари ходимларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш тақиқланганлиги ҳақидаги талабга амалда сўзсиз ижро этилишини таъминласин.

Мазкур талабни бузганлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари масъул ва мансабдор шахсларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича ҳар чораклик асосда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига таклифлар киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин.

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасида:

а) қуйидаги лавозимлар тугатилсин:

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — ижтимоий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи;

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — тадбиркорлик, томорқа ер эгалари фаолиятига қўмаклашиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчи;

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи;

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи;

б) қуйидаги лавозимлар киритилсин:

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари;

фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари;

фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари;

оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис;

фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси;

фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси;

в) қуйидаги жамоатчилик тузилмалари тугатилсин:

яраштириш комиссияси;

маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия;

ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;

вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;

тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;

жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия;

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси;
г) қуйидаги комиссиялар ташкил қилинсин:
оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси;
ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия.

16. Белгилансинки:

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажариш профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори зиммасига юклатилади;

ҳар бир маҳаллада унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда камида бир нафардан профилактика инспектори хизматни олиб боради;

фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари лавозими хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими ўрнига, ҳар бир фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими ўрнига, оилалар сони 2 000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими фуқаролар йиғини масъул котиби лавозими ўрнига, ҳар бир фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари жамоатчилик асосида фаолият юритади;

фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис фуқаролар йиғини раиси тақдимида асосан фуқаролар йиғини кенгаши томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади.

17. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

фуқаролар йиғини раиси — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг;

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳининг;

фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари — хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмасининг;

фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари — ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияларнинг фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

18. Фуқаролар йиғини раисига қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

тегишли ҳудуддаги профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишига бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиш;

кўп квартирали уйларни бошқариш билан боғлиқ масалаларда уй-жой мулкдорларининг розилиги асосида уларнинг номидан бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан ўзаро муносабатларга киришиш.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги лавозимларни ўзгартириш бўйича таклифи маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари лавозимиغا;

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқлари, ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари тегишинча туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимларига.

20. Белгилансинки:

профилактика инспекторлари 5 йил муддатга лавозимга тайинланади ҳамда уларни мазкур муддат давомида бошқа лавозимга ўтказиш тақиқланади (юқори турувчи раҳбарлик лавозимиغا ўтказиш ёхуд қонун ёки ички тартиб қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳолатлари бундан мустасно);

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари, уларнинг таркибидаги бўлимлари ва ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари устуворлик асосида профилактика инспектори лавозимида камида 5 йил ишлаган ходимлари орасидан тайинланади;

профилактика инспекторлари лавозимларига, қоида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар тайинланади;

профилактика инспекторини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади;

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари тавсиясига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

профилактика инспекторларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

ҳудудий ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлашни рағбатлантириш жамғармаларининг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари томонидан қабул қиладиган қарорига асосан белгиланган тартибда сарфланади.

21. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарига — профилактика инспекторлари фаолиятига аралашганлик, уларни хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этганлик учун ҳудудий ички ишлар органларининг раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан бевосита интизомий жазо чораларини қўллаш ваколати берилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

ички ой муддатда ички ишлар органларининг амалдаги штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тегишли ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида кадрлар билан ишлаш бўлимини (бўлинмасини, гуруҳини) ташкил қилсин;

уч ой муддатда Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг барвақт

олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантириш мақсадида профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳамда бевосита маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатларини кенгайтириш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда — ФХДЁ) органларининг ишини тизимли назорат қилиш, малакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини юритиш ва ФХДЁ органларининг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича функцияларни юклаган ҳолда ФХДЁ органлари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Давлат хизматлари агентлиги тизимида ФХДЁ органлари фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

ўн кун муддатда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари куни»ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) уч ой муддатда:

фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари ва оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар лавозимларига етарли билим ва ҳаёт тажрибасига, юсак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган шахслар тавсия этилиши ва тасдиқланиши бўйича фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама ёрдам берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида доимий фаолият кўрсатувчи алоҳида ўқув курслари ташкил этиш бўйича таклифларни киритсин;

фуқаролар йиғини раисини сайлаш муддатини узайтириш, ушбу жараёнини такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. Вазирлик буюртма асосида ҳамда ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги ҳамда бошқа нодавлат теле- ва радиоканалларда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Оталар чойхонаси», «Оналар меҳри» ва «Оила — жамият кўзгуси» каби мавзуларда кўрсатув ва эшиттиришларни миллий ва тарихий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам тайёрлаш ҳамда аҳолига қулай бўлган вақтда намойиш этиш;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан биргаликда фуқаролар йиғинлари фаолиятини батафсил ёритишга қаратилган, аҳолида маҳалла институтига нисбатан ҳурмат ва ифтихор руҳини шакллантиришга хизмат қилувчи бадий фильмлар яратиш чораларини кўрсин.

27. Қуйидагилар:

Мамлакатда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

28. Фуқароларда маҳаллаларнинг ривожланиши, ободлиги ва хавфсизлигига манфаатдорлик ҳиссини янада кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлик ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда янги тизим 2020 йил 1 июлдан жорий этилиши ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича тушадиган маблағлар ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилиши белгилансин:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг иш ҳақи ва лавозим маошига нисбатан 30 фоиз қўшимча махсус устама тўлаш харажатлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш харажатлари;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларини ободонлаштириш ва бошқа жорий харажатлари.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла билан ҳамкорлик ва оила масалалари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини;

бир ой муддатда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

уч ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фао-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалла тизимини ривожлантириш ва жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этишнинг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

30. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

31. Ушбу Фармон ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикасининг маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири — ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин, чора-тадбирлар ижроси бўйича юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин ҳамда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ушбу Фармоннинг амалга оширилиши жараёни ҳақида батафсил маълумот тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари А.И. Икрамов — ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим тўлиқ жорий этилиши ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва профилактика инспекторларининг мустақиллигини таъминлаш, жумладан фаолиятига асоссиз аралашмаслик ва тааллуқли бўлмаган вазифаларни юкламаслик устидан қатъий назорат ўрнатсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча зарур чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д. Хаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори — ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва мамлакатимизда оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни мунтазам ёритиб борсин.

32. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низамидинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 февраль,
ПФ—5938-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**75 Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-5938-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони:

99 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

336 штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

1 624 штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларининг намунавий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига (кейинги ўринларда — вазир):

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Вазирлик фаолиятини самарали ташкил этиш, унга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий ихтисослаштирилган институтлар ва компаниялар ҳамда хорижий мутахассис ва экспертларни, шу жумладан шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосари — вазирга ҳамда Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари биринчи ўринбосарлари — Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига тенглаштирилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 февралда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

фаолият йўналиши бўйича амалга ошириладиган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия ҳомийлик маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги истиқболли кадрларни Миллий кадрлар резервига қўшиш учун танлов саралашларини ташкил қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган ходимларни ҳам инобатга олсин.

7. Вазирлик икки ой муддатда:

марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларнинг Вазирликка юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

таркибий ва бўйсунувидаги бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқланишини таъминласин.

8. Белгилансинки, Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўзларига юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликка тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотлардан статистик, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги конун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда таклифлар киритиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни

(кейинги ўринларда — инвесторлар) фаол жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини (кейинги ўринларда — комплекс) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури, «Ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури», «Yoshlar — kelajagimiz» дастури асосида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Қуйидагилар комплексларни қуриш учун давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартлари этиб белгилансин:

инвесторларга маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ комплексларни барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тўғридан-тўғри (танлов савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан ажратилади (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ер участкалари бундан мустасно);

комплексларни қуриш учун ер участкаларини танлаб олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

инвесторларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун (келишув бўйича ёки комплекслар билан бир бинода ёхуд бошқа жойда) жойнинг ташқи меъморий қиёфасига мос келадиган, қурилиш учун ажратилган комплекслардан кичик бўлмаган майдонга эга бўлган комплексларга туташ қўшимча шунга ўхшаш объектлар ҳам ажратилади. Бунда мазкур объектларнинг фаолият кўрсатиши фуқаролар йиғинларининг иши учун ноқулайликлар яратмаслиги керак;

инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комплексларга туташ объектларда амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари ва йўналишлари, шунингдек, комплексларнинг қурилиши бўйича давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган намунавий шакллар бўйича инвестор ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида тузиладиган келишувларда акс эттирилади;

комплекслар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда қатъий белгиланган муддатларда ва тартибда маъқулланган лойиҳалар асосида, туташ ҳудуд обод қилинишини назарда тутган ҳолда қурилади;

қурилиши тугалланган комплекслардан кейинчалик фойдаланиш тартиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув билан белгиланади;

инвестор томонидан ушбу банднинг тўртинчи хатбошисига мувофиқ қурилган қўшимча объектлар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб 3 йил муддатга тегишли равишда ушбу қарор доирасида тақдим этиладиган ер участкасига ва унда қурилган қўчмас мулкка нисбатан ер солиғи ва мол-мулк солиғининг, шунингдек, мазкур объектларда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган фойда ёки тушумларга нисба-

тан фойда солиғи ҳамда айланмадан олинadиган солиқнинг белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда тўланади.

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига комплекслардаги фойдаланилмаётган хоналарни ижарага бериш тўғрисида икки томонлама шартномаларни мустақил равишда келиб тушаётган маблағларни кейинчалик ўзларининг ҳисобварағига ўтказган ҳолда тузиш ҳамда мазкур маблағлардан фақат комплексларни сақлаш ва ободонлаштириш харажатларини қоплаш учун сарфлаш ҳуқуқи берилсин.

12. Белгилаб қўйилсинки:

инвесторларни танлаб олишнинг асосий мезонлари комплексларни қуриш муддати, таклиф этиладиган капитал қўйилмалар ва инвестициялар ҳисобланади;

инвесторнинг ташаббуси бўйича келишув бекор қилинганда, унинг комплекслар қурилишига сарфлаган харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва ушбу қарорга мувофиқ инвесторларни қидириб топиш қайтадан ўтказилади;

қуриладиган комплексларнинг зарур ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини олиб келиш комплекслар қурилиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда электр таъминоти, газ таъминоти ва алоқа қисми бўйича «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК маблағлари ҳисобидан, автомобиль йўллари қуриш қисми бўйича, сув таъминоти ва канализация Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

комплексларни мебель, техника, бошқа ускуна ва инвентарь билан жиҳозлаш Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари, грантлар, кредитлар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, инвесторлар рози бўлган тақдирда, уларнинг ўз қўйилмалари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) уч ой муддатда потенциал инвесторларни танлаб олишни ҳамда улар билан комплексларни ушбу қарорда ва намунавий келишувда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш тўғрисидаги келишувлар тузилишини таъминласин;

б) инвесторлар бўлмаган тақдирда, ҳар бир маҳаллада комплекслар қурилишини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан ташкил этсин;

в) Вазирлик, Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман

ва шаҳарлар марказларида «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси билан жиҳозлаш;

«Маҳалла маркази» мажмуаларида Вазирликнинг ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш ишларини якунласин.

14. Вазирлик:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда комплексларнинг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиши тўғрисидаги намунавий келишув лойиҳаси ишлаб чиқилишини;

б) икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада комплексларни ташкил этиш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

2020 йил 1 июнга қадар Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун зарур ахборот тизимлари ва электрон маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилиш концепцияси, техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ва техник топшириғи тайёрланишини ҳамда тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритилишини;

тасдиқланган концепция, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ва техник топшириқ асосида 2021 йил 1 январга қадар — Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, 2022 йил 1 январга қадар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун ахборот тизимлари ва электрон маълумотлар базалари ишлаб чиқилиши ҳамда жорий этилишини;

2020 йил 1 июлга қадар — Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, 2021 йил 1 июлга қадар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини ҳамда зарур алоқа, жумладан Вазирликни ҳукумат алоқаси билан таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар «Маҳалла» электрон маълумотлар базасини янада такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ўзаро маълумот алмашинувини жорий этиш чораларини кўрсин.

15. Вазирлик бошқарув ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим машини белгилашда тариф коэффиценти марказий аппаратда — 2 бараварга, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларида — 1,5 бараварга, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларида — 1,3 бараварга оширилган миқдорда қўлланилиши белгилансин.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

16. Вазирлик Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 51-уй манзили бўйича оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Вазирликнинг харажатлари учун Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Вазирлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни кўзда тутсин.

18. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирли — ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин, чора-тадбирлар ижроси бўйича юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин ҳамда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорнинг амалга оширилиши жараёни ҳақида батафсил маълумот тақдим этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари — ҳар бир маҳаллада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида комплекслар қурилишини, инвесторлар танлаб олинишини, инвесторлар бўлмаган тақдирда, комплекслар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қурилишини таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча зарур чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вази́фасини бажарувчи А.Д. Хаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини мунтазам ёритиб борсин.

20. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

касининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 февраль,
ПҚ-4602-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**76 Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни
қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари
тўғрисида***

Хусусий соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, ҳудудлар аҳолиси учун ихтисослаштирилган тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш, хусусий тиббиёт ташкилотларининг инвестициявий фаоллигини яхшилаш, уларни замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмлар билан жиҳозлаш, шунингдек, тиббиёт туризминини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. «Асака» АТБ орқали 28 миллион АҚШ доллари миқдорида мақсадли имтиёзли ресурслар ажратилиши натижасида республиканинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича 286 та лойиҳа амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) «Асака» АТБга хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида Жамғарма кредит линиясини тақдим этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, Жамғарманинг кредит линияси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4290-сон қарорига мувофиқ ажратилган, танланмаган маблағлар қисми ҳисобидан;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 февралда эълон қилинган.

10 йилгача муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр, «Асака» АТБ маржасини ҳисобга олмасдан йиллик 5 фоиз ставка билан;

лойиҳалар қийматининг кўпи билан 60 фоизини молиялаштириш учун; пуллик тиббиёт хизматларига бўлган талаб бўйича таҳлилларни ва хусусий тиббиёт ташкилотида харид қилинаётган ускуналарда хизмат кўрсата оладиган малакали ходимларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда иловага* мувофиқ ҳудудларда янги импорт тиббиёт ускуналари (косметологияга оидлари бундан мустасно) ва уларга бутловчи қисмларни харид қилиш учун тақдим этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Асака» АТБ билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар халқаро молия институтлари билан хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилишни кўриб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4290-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошисидаги «200» рақами «150» рақами билан алмаштирилсин.

6. Мазкур қарор ижроси устидан назорат қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов — мазкур қарорнинг самарали амалга оширилиши, унинг қоидалари ўз вақтида ижро этилиши бўйича масъул вазирликлар, идоралар ва «Асака» АТБ раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам этишиб борилиши, зарур ҳолларда мазкур соҳани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков, Ш.А. Вафаев) — мазкур қарорга мувофиқ хусусий тиббиёт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун Жамғарманинг кредит линиялари ўз вақтида ажратилиши, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари жалб этилиши бўйича чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов — сифатли хусусий соғлиқни сақлаш тизимини, айниқса ҳудудларда янада кенгайтириш, ушбу соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, тиббиёт туризмининг ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чораларни (таклифларни) кўрсин (киритсин).

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 февраль,
ПҚ-4606-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**77 Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнгги йилларда республикада лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республикада 2018-2019 йилларда 46 млн АҚШ доллари миқдоридagi хорижий кредит линиялари жалб қилиниб, 730 гектар майдонда замонавий лимонзорлар барпо этилди, лимон етиштириладиган иссиқхоналар умумий майдони 1 221 гектарга етказилди.

Шу билан бирга, инновацион технологиялар асосида янги, серхосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмаётганлиги, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланмаганлиги оқибатида соҳадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмапти.

Республикада лимончилик тармоғини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, илғор ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ва экспортбоп лимон етиштириш ҳажмини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмасининг:

«Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси номи «Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) деб ўзгартириш;

тажриба тариқасида Академик М. Мирзаев номидаги бовдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида Уюшма иштирокида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

кооперация шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга етказиш;

сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этиш ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 февралда эълон қилинган.

мавжуд иссиқхоналарни модернизация қилиш ҳамда серҳосил, экспорт-боп лимон навлари коллекциясини ва кўргазмали лимон плантацияларини яратиш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, экспорт ва импорт маҳсулотларини сертификатлаш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, шунингдек, манзарали ўсимликлар, гуллар ва кўкаламзорлаштириш экинлари кўчатларини етказиб бериш; маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни минерал ўғитлар ва кимёвий моддалар билан таъминлаш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни қайта ишлаш, янги инновацион технологияларни жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш;

соҳани ривожлантириш бўйича хорижий технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, янгиликларга оид ролик ва махсус кўрсатувлар тайёрлаш.

Марказ фаолияти банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари, ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Уюшма билан биргаликда икки ой муддатда:

Марказга Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудидан бино ва иссиқхона учун 12 гектар ер майдони ажратилишини;

Уюшма, Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда хусусий шерик ўртасида уч томонлама шартнома тузилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Уюшманинг 2020 йил 1 мартдан бошлаб лимонзорларни барпо этишнинг қуйидаги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги:

янги барпо этиладиган лимонзорлар учун стандартларни (кўчат нави ва сифати, экиш схемаси, иссиқхонага қўйиладиган талаблар, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда бошқалар) белгилайди;

лимончилик тармоғини ривожлантиришда илғор хорижий тажриба ва ресурс тежовчи инновацион технологиялар жорий этилишини ташкил қилади;

лимонзорларни ташкил этиш харажатларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли ресурслари ва грант маблағларини жалб этиш чораларини кўради;

қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар) раҳбарлари ва лимон етиштирувчилар учун ўқув-семинарларни ташкил қилади;

сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этади ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

кооперация (кластер) асосида ишлайдиган қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантиради ҳамда уларга лимон етиштирувчиларни бириктиради;

лимонзорлар учун талаб қилинган ер майдонларининг қисқа муддатларда ажратилишини ва белгиланган стандартлар асосида барпо қилинишини таъминлайди;

хосилдорликни ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

в) қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар):

лимон етиштирувчилар билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, етиштирилган маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича самарали иш юритиш тизимини жорий қилади;

лимонзорларни барпо этади ва уларни лизинг шартлари асосида узоқ муддатга тадбиркорлик субъектларига беради, агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мутахассис ажратади, илмий асосланган агрономик тавсиялар бериб боради;

лимон етиштирувчилар талаби асосида уларни лимон кўчатлари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлайди;

соҳа олимлари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиб, лимон етиштирувчиларнинг малакасини ошириб боради;

г) маҳсулот етиштирувчилар:

кооперация талаблари асосида лимон кўчатларининг тўлиқ экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

лимонзорларни барпо этиш бўйича харажатларнинг келишилган қисми бўйича дастлабки тўловларни амалга оширади;

тузилган шартномаларга мувофиқ етиштирилган маҳсулотларнинг белгиланган вақтда ва сифатда етказиб берилишини таъминлайди.

4. Қуйидагилар:

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишга тушадиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

лимон етиштиришга ихтисослаштириладиган ҳудудлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) лимонзорлар пахта ва ғалладан бўшаган ҳамда фойдаланишга кири-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиладиган ер майдонларида ресурс тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда барпо этилади;

янги лимонзорлар «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида ажратиладиган, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан барпо этилади;

б) 2020 йил 1 мартдан бошлаб кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига:

янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳар бир гектари учун 30 миллион сўмдан ошмайдиган миқдори Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;

лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт (темир йўл ва авиация транспорти) харажатларининг 25 фоизгача бўлган миқдори Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида қоплаб берилади.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги:

тижорат банклари билан биргаликда лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг камида 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари жалб этилишини;

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки билан биргаликда халқаро молия институтларининг 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линияларини лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда лимончилик бўйича 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларни шакллантирсин ҳамда уларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин.

Бунда, лимон кўчатларининг иссиқхона ва очик майдонда парвариш қилинадиган янги навларини яратиш, оналик кўчатзорларни ташкил этиш, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши курашиш, инновацион технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига:

бир ой муддатда лимончиликни ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ресурс тежовчи технологияларга асосланган лимонзорларни барпо этиш ва парваришлаш, маҳсулот етиштириш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш;

икки ой муддатда лимон экиш, парваришлаш, етиштириш, ҳосилни йиғиштириб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, саралаш ва экспорт қилиш масалалари бўйича фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва тадбиркорлик субъектлари учун жойларда ўқув-семинарларини ўтказиш;

етакчи хорижий институтлар билан лимончиликни ривожлантириш ва илғор инновацион технологияларни кенг жорий қилиш бўйича илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда тажриба алмашиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети ҳузурида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш бўйича кичик инновацион корхона ташкил этиш чораларини кўрсин.

Бунда, корхонанинг асосий вазифаси «фан-таълим-ишлаб чиқариш»нинг узвий интеграциясини таъминлаш, дарс машғулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш ва талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш эканлигига эътибор қаратилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда университетнинг 3-босқич талабалари орасидан саралаб олинган талабалар учун цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш технологиялари бўйича зарурий билим ва малакага эга бўлган мутахассислар тайёрловчи махсус гуруҳларни ташкил этсин.

Бунда, ўқув аудиторияларини жиҳозлаш, замонавий технология воситалари билан таъминлаш Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. «Ўзстандарт» агентлигига халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, жумладан лимон маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш юклатилсин.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар бўйича илғор технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқларга оид махсус кўрсатувларни мунтазам намойиш этиб бориш юклатилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоким-

ликлари, Уюшма билан биргаликда икки ой муддатда 2020 йилда қўшимча 2,5 минг гектар ер майдонида амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

зарур ҳолларда, Уюшма таклифига асосан мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси А.Д. Вахабов, қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ж. Тешаев — ушбу қарор ижросининг ташкил этилишини, 2020 йилда амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқиши ва ишга туширилиши, лимонзорлар учун ажратиладиган субсидияларнинг мақсадли йўналтирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Н.Э. Нажимов — давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш, соҳада кооперация муносабатларини шакллантириш ҳамда илмий-тадқиқотлар қўламини кенгайтириш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Ф.Ж. Раҳимов, «Ўзбекозиковқатхолдинг» компанияси бошқаруви раиси Т.А. Жалилов — халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши, ташқи бозорлар конъюнктураси бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши ва лимон экспорти географияси кенгайтирилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари — лимонзорлар барпо этиш учун ер майдонларини ажратиш, кооперация муносабатларини шакллантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари — лимонзорлар барпо этиш ва ҳудудларни лимончиликка ихтисослаштириш чораларини кўрсин, «Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси фаолиятига қўмаклашсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 февраль,
ПҚ-4610-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

78 Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4059-сон «Техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи (рўйхат рақами 2754, 2016 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Бош директор

Д. САТТАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 январь,
6-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
бош директорининг 2020 йил 22 январдаги
6-сон буйруғига
ИЛОВА

**Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сертификатлаштиришга ариза электрон шаклда берилган тақдирда МТСО ҳужжатларнинг сканер қилинган версиясини қабул қилади, сўнгра уларни сертификатлаштириш жараёнида асл нусхаси билан таққослайди. МТСО электрон шаклдаги сертификатлаштиришга ариза олингани тўғрисида ариза берувчини шу куннинг ўзида хабардор қилинишини таъминлайди.».

2. 7-банднинг иккинчи хатбошиси «сифат бўйича қўлланмани» деган сўзлардан кейин «(агар мавжуд бўлса)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 30-банддаги «5 йилни» деган сўзлар «3 йилни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 34-банддаги «6 йил» деган сўзлар «4 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 39-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши мувофиқлик сертификатини берган МТСО, «Ўзстандарт» агентлиги ёки суд томонидан қуйидаги ҳолларда олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади:»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи-бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ташкилот инспекция назоратини амалга оширишдан бош тортганда ёки инспекция назоратини талаб этиладиган муддатда ўтказишга рухсат бермаганда;

ташкилот ихтиёрий равишда сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида ариза билан мурожаат қилганда.».

6. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

79 Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарори)» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 1-2017, 4-қ/қ, 13-сон қарори (рўйхат рақами 2859, 2017 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 122-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 январь,
3-2020-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 январь,
2-2020-қ/қ-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 январь,
4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
ҳамда Молия вазирлигининг 2020 йил
23 январдаги 3-2020, 2-2020-қ/қ,
4-сон қарорига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат
кўрсатувчи ва ўқув-ёрдмчи ходимларининг намунавий
штатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. I-боб қуйидаги мазмундаги 18-позиция билан тўлдирилсин:

«

18.	Бош аудитор		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
-----	-------------	--	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

».

2. XVI бобдан 3-позиция чиқариб ташлансин.

3. Илованинг 68-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68. Мазкур меъёрлар ОТМларнинг раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларига ҳам татбиқ этилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

80 Бир қарз оловчи ёки бир-бирига дахлдор қарз оловчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/16-сон қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Бир қарз оловчи ёки бир-бирига дахлдор қарз оловчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 январь,
1/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
16 январдаги 1/6-сон қарорига
ИЛОВА

Бир қарз оловчи ёки бир-бирига дахлдор қарз оловчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 4-банднинг иккинчи хатбошиси «кредитлар,» деган сўздан кейин «банклараро депозитлар,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 февралда эълон қилинган.

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Банкнинг бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таъминланмаган кредит (эътимодли кредит), шунингдек факторинг хизматлари учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори банк биринчи даражали капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур, бундан банклараро кредит (депозит)лар мустасно бўлиб, ушбу операциялар мазкур Низомнинг 5-банди талабига мувофиқ амалга оширилади.».

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Мазкур Низомнинг 5 — 7-бандларида кўзда тутилган чекловлар қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

бозор қиймати кредитларнинг 125 фоизини қоплай оладиган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банкининг қимматли қоғозлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати ёки бошқа мажбуриятлари билан таъминланган кредитлар;

кредитлар кредит берувчи банкдаги депозитлар билан таъминланганда;

Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳи (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро тараққиёт ассоциацияси) ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислон тараққиёт банки, Европа Кенгашининг тараққиёт банки билан юзага келадиган таваккалчиликлар, шунингдек банк активлари ва/ёки балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятлари ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланганда.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**81** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009-1*

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 августдаги 245-сон «Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2019 йил 30 октябрдаги 898-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига спорт клублари фаолиятини ҳамда спорт мусобақаларини ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 76-сон буйруғи (рўйхат рақами 3009, 2018 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 19-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 январь,
3-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 20 январдаги
3-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул
маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни
амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни
тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «йиғимларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 4-банддаги, 2 ва 3-иловаларнинг номидаги «(Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг)» деган сўзлар «(Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг қўйилаётган ойлик харажатлари тўғрисидаги маълумотлар Ҳазначилик бўлими томонидан қабул қилинганидан сўнг бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга харажатларни тўлаш учун рухсатномалар автоматик тарзда берилади.».

4. 4-иловада:

а) «I гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» бўлимида:

«Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўрнатқўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси маблағлари» қаторидаги «Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «Умумтаълим мактаблари, академик лицейлари, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«Ишловчи пенсионерларга 50 фоиз миқдорида пенсия тўлови 47 11 430» қатори чиқариб ташлансин;

б) «II гуруҳ Иш ҳақига қўшимчалар» бўлимининг «Ягона ижтимоий тўлов» қаторидаги «Ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар «Ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

82 Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 27-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 январь,
1/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
16 январдаги 1/8-сон қарорига
ИЛОВА

Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартириш

1. Қуйидаги мазмундаги 36⁶ — 36¹¹-бандлар билан тўлдирилсин:

«36⁶. Банк кредит операцияларини амалга оширишда қуйидагиларга риоя этиши лозим:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 февралда эълон қилинган.

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш муддати, шартлари ва улардан фойдаланиш тартиби аниқ кўрсатилиши;

кредит шартномасида кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун банк қарз олувчи олдида кредитор сифатида ўз жавобгарлигини акс эттириши шарт.

36⁷. Кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жадвали кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, банк ва қарз олувчи томонидан имзоланиши, шунингдек, қоида тариқасида кредит шартномаси матнида илова кўринишидаги кредитни қайтариш жадвалига ҳавола бўлиши керак.

36⁸. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни қарз олувчига ҳақиқатда берилган кредит асосий суммасининг қолдигига нисбатан кредит шартномасида белгиланган номинал ставка бўйича ҳисоблаши керак.

Бунда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчининг ҳисобварағига ёки қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланади.

Агар кредит шартномасида кредитни сўндириш даврида имтиёзли давр кўзда тутилган бўлса, унда имтиёзли даврнинг бошланиш куни кредит берилган санадан ҳисобланиши керак.

36⁹. Банк қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориши шарт.

36¹⁰. Жисмоний шахс — қарз олувчи томонидан истеъмол кредити ва ипотека кредити бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганидан сўнг, банк мазкур қарздорлик бўйича амалга оширилган охириги тўлов санасининг кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қарз олувчининг шахсий кабинетида кредит бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилганлиги ва ушбу кредит шартномаси бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот жойлаштириши шарт.

36¹¹. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури (ўзгармас ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси) ҳамда кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (дифференциал ёки аннуитет) томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ кредит шартномасида назарда тутилиши керак.»

2. 37²-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг

миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, қарз олувчига тақдим қилиши лозим.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. Ушбу қоида кредит шартномасида қайд этилиши шарт.».

3. 49¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49¹. Истеъмолчиларнинг мурожаатлари банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши ва ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилиши керак.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 15 февралдан 21 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи 2020 йил 22 январдаги 6-сон «Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 23 январдаги 3-2020-сон, 2-2020-қ/қ, 4-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/6-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-4.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 20 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/8-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-4.